



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 31 декабрь, № 276 (9171)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯНГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ АСОСИДА БАРПО ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 декабрь куни Янги Тошкентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, жумладан, йўл-транспорт инфратузилмаси, энергетика, уй-жой, таълим ва бошқа объектлар қурилишининг бориши билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб ер ости автотураргоҳи ва пйедалар ўтиш йўлагини барпо этиш ишларини кўздан кечириди.

Қурилиш майдони 40 минг квадрат метрдан иборат бўлган, қиймати 100 миллион долларлик мазкур автотураргоҳда биринчи босқичда 200 та энгил автомобил жойлаштириш имконияти бўлади. Тўрт томонлама қулай ва хавфсиз ҳаракатлашни учун пйедалар йўлаги қурилади.

Бу ерда автоматлаштирилган парковка тизимлари, велосипедлар ижараси нуқталари ташкил қилиниб, электромобиллари зарядлаш учун станциялар ҳам барпо этилади. Мазкур автотураргоҳни 2026 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Президентимиз бу каби замонавий автотураргоҳларни қўйиштириш, улар аҳоли учун максимал даражада қулай бўлишини таъминлаш, келгусида электромобиллар улуши орттишини ҳисобга олиб, уларни қувватлаш инфратузилмасини янада ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Янги Тошкентда вазирлик ва идоралар ишини ташкил этиш учун маъмурий бинолар қурилмоқда.

Жумладан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг модуль турдаги янги биноси барпо этилган.

1,4 гектар ерда умумий майдони 5751 квадрат метрни ташкил этувчи 5 та бир қаватли энгил металл конструкцияли, базальт қопламали “сендвич панел”лардан иборат бинолар қурилади. Мазкур бино вазирликнинг марказий аппарати ҳамда тизимдаги ташкилотларни бир маконда жойлаштириш имконини бериб, муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик ва иш жараёнларининг самарадорлигини оширади.

Энгил конструкциялар ва энергия самарадор “сендвич панел”лар, мустақил оқова, самарали марказлашган иситиш, совитиш ва шамоллатиш тизими ушбу бинонинг эксплуатация харажатларини камайтириш, келгусида уни кенгайтириш ёки демонтаж қилиш имконини беради ҳамда тез мослашувчанлигини таъминлайди.

Бугунги кунда янги бинода вазир-

лик марказий аппарати ва тизимдаги ташкилотларда фаолият юритувчи жами 550 нафар ходим ишламоқда.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш республика маркази ҳам шу бинода жойлашган.

Хозирда марказ томонидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизда бир қатор платформалар ишга туширилган.

Давлатимиз раҳбарига платформалар фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизимида шаҳар ва туманлар ҳудудларига оид барча ижтимоий-иқтисодий маълумотлар ягона рақамли базага жамланди. Геопортал орқали аҳоли пунктларининг “3D” форматдаги “рақамли эгизаклари” яратилди, реконструкция ва реновация зоналари белгилаб олинди ҳамда ҳудудларни комплекс таҳлил қилиш имконияти яратилди. Бош режаларни ишлаб чиқиш ва жа-

моатчилик муҳокамасидан ўтказиш, шунингдек, улар асосида қурилишга руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Бугунги кунга қадар бу ерда 1 миллион 800 минг квадрат метрдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилди. Бунда “А+” энергия тежамкорлик тоифасидаги замонавий материаллар қўлланди.

“Рейтинг” электрон платформасида қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятини баҳолаш автоматлаштирилди. “Тендер” электрон платформаси вазирлик ва идораларнинг электрон тизимлари билан интеграция қилинди. “Қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш” электрон платформасининг янги версияси ишлаб чиқилиб, қурилиш соҳасидаги барча 9 та хизмат қамраб олинди.

“Лойиха-смета ҳужжатларини экспортиздан ўтказиш”, “Қурилишда давлат назорати”, “Менинг уйим”, “Менинг ҳудудим”, “Иссиқлик таъминоти биллинг тизими” каби қатор платформалар ҳам фаолият юритмоқда.

Тизимни янада такомиллаштириш, шаффофлаштириш бўйича мутасаддиларга топширилди берилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда ёш мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Кечаги билим билан бугун катта натижаларга эришиш қийин. Бунинг учун ҳар кун иланиш, аниқ фанлар, хусусан, ахборот технологияларини яхши ўрганиш керак, бу қурилиш соҳасида ҳам жуда муҳим, — деди Президентимиз.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Янги Тошкентдаги “Шарқ баҳори” тураржой мажмуасининг қурилиш майдонига ташриф буурди.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, жорий йилда 8 миллион 100 минг квадрат метр кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолига топширилмоқда. Умуман, сўнгги тўққиз йилда 210 миллион квадрат метрли тураржой ва нотураржой объектилари фойдаланишга топширилди.

Янги Тошкентда ҳам кенг қўламли уй-жой қурилиши бошлаб юборилган. Биринчи босқичда 600 минг аҳоли учун замонавий инфратузилма барпо этилиши белгиланган. Лойиха тўлиқ якунланганда эса Янги Тошкент 2 миллион нафар одам яшайдиган улкан мегаполисга айланади.

Уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасидаги биринчи қадам “Шарқ баҳори” тураржой мажмуасидир. Мажмуа минтақамиздаги энг

йирик уй-жой лойиҳаларидан бири ҳисобланади. 95 гектар ҳудудда 15 мингга яқин хонадонлардан иборат кўп қаватли уйлар қурилади.

Бугунги кунга қадар бу ерда 1 миллион 800 минг квадрат метрдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилди. Бунда “А+” энергия тежамкорлик тоифасидаги замонавий материаллар қўлланди.

Мажмуада 15 мингдан ортиқ дарахт ва кўчатлардан иборат яшил ҳудуд ташкил қилиш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, автоном иситиш ва совитиш тизимлари бўлади, том қисмлари тўлиқ қуёш панеллари билан қопланади.

Аҳолининг шахсий транспорт воситаларини сақлаши учун уйлارнинг ер ости қисмларида автотураргоҳлар ташкил этилади. Мажмуадан 5 — 10 дақиқалик масофада бог, метро бекати, маъмурий бинолар ва ижтимоий муассасалар қад ростлайди.

Президентимиз тайёр хонадонлардан бирига кириб, шароитлар билан танишди, Янги Тошкент аҳоли учун ҳар томонлама қулай уй-жой қуришда бутун мамлакатимизга намуна ва тажриба мактаби бўлиши кераклигини таъкидлади.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент ҳудудида қурилаётган энергетика объектилари билан танишди.

Тригенерация технологияси шаҳарни марказлашган совитиш ва иситиш билан таъминлаш учун замонавий ечим бўлиб, аънавий қувватларга нисбатан икки бараваргача кам энергия сарфлайди. Оддий иссиқлик марказлари ёки совитиш тизимларида ишлаб чиқариш жараёнлари алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Тригенерацияда эса буларнинг барчаси ягона технология қанжир асосида бирлаштирилади.

Хозирги пайтда Янги Тошкентда айнан шу технологияга асосланган станциянинг асосий бино ва ишоотлари қурилиши жадал кетмоқда. Лойиха доирасида талаб этиладиган асосий асбоб-ускуналар халқаро энергия самарадорлик талабларига тўла мос келади.

Биринчи босқичда иссиқлик учун 75 мегаватт, совитиш тизими учун эса 100 мегаватт қувват яратилади. Шу билан бирга, 17 мегаватт миқдорда қўшимча электр энергияси ҳам ишлаб чиқарилади.

Президентимиз Янги Тошкентнинг биринчи нимстанциясида олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишди.

Нимстанция қуввати 100 мегаваттга тенг бўлиб, Янги Тошкентнинг дастлабки босқичдаги эҳтиёжларини таъминлайди. Лойиха Хитойнинг “Haoscheng Industry Group Limited” компанияси иштирокида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилмоқда.

Этиборлиси, ушбу объект Ўзбекистондаги биринчи ёпиқ турдаги нимстанция ҳисобланади.

Бундай типдаги ишоотлар аънавий очик нимстанцияларга нисбатан бир қатор устуниликларга эга. Аввало, улар шаҳар ичидаги муҳитга мос лойиҳаланади ва ҳудуд архитектура қиёфасини бузмасдан жойлаштирилади. Шунингдек, бундай нимстанцияларнинг шовқин даражаси аънавийларига қараганда икки баравар паст бўлади. Бундан ташқари, очик турдаги ишоотларга нисбатан уч баробар кам майдон талаб қилади. Бу янги қурилаётган Янги Тошкент каби мураккаб муҳандислик концепциясига эга шаҳарда жуда катта афзаллик ҳисобланади.

Президентимиз мазкур объектлар билан танишар экан, уларнинг техник имкониятлари, иқтисодий самараси ва Янги Тошкент учун стратегик аҳамиятини алоҳида қайд этди. Лойиҳанинг янада самарали ишлаши ва келгусидаги босқичларини тез ҳамда сифатли амалга ошириш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкентда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” университети ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси биноларининг қурилишини ҳам кўздан кечириди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини илмий асосда ривожлантириш, инновация ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жараён, аввало, замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган малакали кадрлар тайёрлаш билан узвий боғлиқ.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилган.

Университетнинг Янги Тошкентда барпо этилаётган бинолари мажмуасининг дастлабки қиймати 200 миллион доллар бўлиб, 50 гектар майдонни қамраб олади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия Президентининг Новгород вилоятидаги қароргоҳига ҳужум қилишга уринишни қатъий қоралади.

Бундай хатти-ҳаракатлар барқарорлик ва хавфсизликка, шу жумладан, узоқ муддатли тинчликка эришишга қаратилган саъй-ҳаракатларга таҳдид солиши таъкидланди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш нуқтаси назардан ўтказилган — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди, бўлажак тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Суҳбат якунида етакчилар кириб келаётган янги — 2026 йил муносабати билан бир-бирини самимий қўтлаб, мустахкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик, икки мамлакатнинг биродар халқларига эса тинчлик-осойишталик ва бардавом равақ тиладилар.

ЎзА.

Сенат қўмиталарида

БИР ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ КЎЗДАН КЕЧИРИЛИБ, КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати қўмиталарида йил якуни билан ййгилишлар ўтказилиб, уларда йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинмоқда.

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг 2025 йилда амалга оширган ишлари сарҳисоби ҳамда келгусидаги устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.



Кенгаш ййгилиши

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ОЛДИДА ТУРГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган депутатлар корпуси олдидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши ййгилиши арафасида барча сиёсий партиялар фракциялари мажлислари ҳам бўлиб ўтган эди.

Ушбу мажлисларда Президент Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббуслар Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либе-

рал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари аъзоларидан иборат “Тараққиёт блоки” ҳамда сиёсий партияларнинг барча фракциялари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди ва тегишли вазифалар белгилаб олинди.



«КУЧЛИ КЕНГАШ — ҲИСОБДОР ВА ТАШАББУСКОР ҲОКИМ» ТАМОЙИЛИ АМАЛДА

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 120-моддасида вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Сайлов

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга асосан мазкур қоида туман (шаҳар) вакиллик ва ижро этувчи давлат ҳокимияти органларига нисбатан 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилиши белгиланган.

Ушбу конституциявий нормадан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 29-30 декабрь кунлари республикамиздаги барча 208 та туман (шаҳар)да халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари ўтказилди.

Сессияларда Кенгаш депутатлари орасида очиклик ва шаффофлик таъминланган ҳолда раислар сайланди.

Кенгаш раиси этиб сайланганларнинг:



- 203 нафари (97,5 фоиз) олий маълумотли;
- 28 нафари аёллар (13,5 фоиз);
- 18 нафари (8,5 фоиз) бошқа миллат вакиллари;
- 21 нафари (10 фоиз) давлат муқофотлари билан тақдирланган;
- 8 нафари (4 фоиз)ни илмий даража ва унвонга эга бўлганлар ташкил қилди.

Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимларининг ахратилиши маҳаллий даражада халқ ҳокимиятичилигини мустахкамлашга, қарорлар қабул қилиш жараёнида сайловчилар ва депутатларнинг ролини оширишга кенг йўл очади.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Аҳоли фаровонлиги ва бизнесни ўстиришга хизмат қиладиган инфратузилмани янада яхшилаш бўйича 2025 йил катта ўзгаришлар йили бўлди. Хусусан:



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.

Янги Тошкент халқаро меъёрлар ва замонавий шаҳарсозлик тенденциялари асосида барпо этилади

Лойиҳа Янги Тошкент шаҳ-рини барпо этиш дирекцияси бюуртмаси асосида туркиялик мутахас-сислар билан ҳамкорликда ишлаб чи-қилган. Қурилиш ишлари “Özgüven” компанияси томонидан амалга оши-рилмоқда. Университет биноларини 2027 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Мажмуа таркибига 10 минг талаба-га мўлжалланган 5 та факультет, рек-торат, минг ўриндан ортиқ жойларга эга кутубхона, музей, кўргазмалар зали, мультимедиа хоналари барпо этилади. Шунингдек, талабалар учун минг ўрин-ли спорт мажмуаси ва сузиси ҳавзаси, профессор-ўқитувчилар ва талабалар-га мўлжалланган 2 минг ўринли ётоқ-хоналар ҳамда ошхоналар қурилади.

Айни пайтда қурилиш ишлари уч босқичда олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг асосий параметр-лари, таълим жараёни учун яратилади-ган инфратузилма ва шароитларга ало-ҳида эътибор қаратди. Ёшларнинг ил-мий ва интеллектуал салоҳиятини рўёб-га чиқаришда бундай замонавий таъ-лим даргоҳларининг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

— Ушбу университетда амалга оши-рилаётган бунёдкорлик ишлари, таълим дастурлари бошқа олий ўқув юртли-рар учун андоза бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Бошқа олий ўқув юртлирини ҳам шу тарзда таъминлаш, жиҳозлаш, таълим-га илгор технологияларни жалб этиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, қарийб 4 гектар майдон-да Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг

янги биносини барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Иншоот миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура ечимларини уйғунлаштир-ган ҳолда лойиҳалаштирилган.

Тўрт қаватли биноларнинг умумий майдони 30 минг квадрат метрдан зиёд бўлиб, бир вақтнинг ўзида 1 минг 420 нафар китобхонага хизмат кўрсатиш имконини беради. Кутубхона фондла-рини сақлаш, ҳисобга олиш, хавфсиз-лигини таъминлаш ва стерилизация қилиш учун махсус юқори технология-ли хоналар ташкил этилади.

Мажмуа кўп функцияли бўлиб, халқ-аро ва миллий йирик кутубхоналарнинг электрон базаларига онлайн уланиш имкони яратилади. Кўзи охиш фуқаро-лар учун махсус ўқиш ва тадқиқот мухити йўлга қўйилади. Шунингдек, ташриф буюрувчилар учун 300 ўринли кафе, галерея, енгил спорт ўйинлари майдончалари ва дам олиш ҳудудлари барпо қилинади.

Президентимиз ушбу кутубхона Янги Тошкентда барпо этилаётган таълим ва маърифат масканларининг тизимида муҳим ўрин тутиб, ёш авлоднинг ин-теллектуал ривожини учун мустаҳкам за-мин бўлишини таъкидлади. Илм-фан ва маънавиятга сармоа киритган давлат-нинг иқтисодий салоҳияти ҳам барқар-ор ва юқори бўлиши қайд этилди.

Замонавий кутубхона имкониятлари-дан тўлақонли фойдаланиш учун ходим-лар ахборот технологиялари ва халқаро стандартларни чуқур ўзлаштириши зарурлигига эътибор қаратилди.

Янги Тошкентда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишув давомида Президент Шавкат Мирзиёев

Чирчиқ дарёси устидан янги кўприк ҳамда метро бекати билан бирлашти-рилган автотураргоҳ барпо этиш иш-ларини кўздан кечирди.

Пойтахт ва Янги Тошкент ўртасида транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, транспорт оқимини самарали бошқариш ҳамда аҳоли учун қулай ҳаракат муҳи-тини яратишга қаратилган мазкур лойиҳалар шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Янги кўприк Тошкент ва Янги Тош-кентни боғлайди. Бир суткада 40 — 50 мингта автотранспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади. Қурилиш ишлари жорий йил охирида бошланган бўлиб, айни пайтга келиб лойиҳанинг дастлабки қисми амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳил ҳудуд-лари кўкаламзорлаштирилади, энер-гия тежамкор ёритиш тизимлари ўрнатилади, пидедалар ва велосипед йўлаклари барпо этилади. Шунинг-дек, кўприк орқали икки тасмали трамвай йўли ётқизилиши режа-лаштирилган.

Янги Тошкентни Тошкент шаҳри би-лан боғлайдиган бўлажак метро ли-нейсининг узунлиги 21 километрни таш-кил қилиб, 9 та замонавий бекатни ўз ичига олади. У кунига 230 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Линия пойтахт метросининг мавжуд тармоқлари билан тўлиқ интег-рация қилинади, бу эса йўловчилар учун ягона ва узлуксиз транспорт тизимини шакллантиради.

Давлатимиз раҳбари бўлажак ли-

ниянинг автотураргоҳ билан интегра-циялашган бекатларидан бирининг қурилиш жараёни билан танишди.

Метро бекати билан интеграциялаш-ган автотураргоҳ 20 минг квадрат метр майдонда барпо этилади, унда авто-мобиллар, пидедалар ва жамоат транс-порти ҳаракати аниқ ажратилиб, хавф-сизлик ва функционалликка устувор аҳамият берилди.

Айни пайтда ҳудудда ер ишлари ва бетон қўйиш ишлари олиб борилмоқ-да. Мажмуа 2027 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Президентимиз лойиҳаларнинг Янги Тошкент учун стратегик аҳамиятини таъ-кидлаб, қурилиш ишларини белгилан-ган муддатларда, юқори сифатда амал-га ошириш бўйича ўз тавсияларини берди.

Давлатимиз раҳбари Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекциясига ҳам ташриф буюриб, ҳудудда амалга оши-рилаётган ва истиқболдаги йирик қури-лиш лойиҳалари тақдими то билан та-нишди.

Мазкур шаҳар қурилишига 2023 йл-да тамал тоши қўйилган эди. Лойиҳа учун Юқори ва Ўрта Чирчиқ туманлари-дан жами 19 минг 700 гектар ер май-дон ажратилган. Концепция Брита-ниянинг “Cross Works” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Айни пайтда бу ерда 100 дан зиёд катта-кичик лойиҳалар жадал олиб борилмоқ-да. Ҳар бир ташаббус халқаро меъёр-лар ва замонавий шаҳарсозлик тенден-цияларига асосланади.

Хозирга келиб, дастлабки иншоот-лар маҳобати қўрғина бошлади. Якуни-га етаётган 2025 йилда янги шаҳарда

олиб борилаётган қурилиш майдонла-ри 3 миллион квадрат метрга етди.

Бир қанча уй-жой массивлари қури-лиши якуний босқичга кирди. Инфра-тузилма объектларида ишлар жадал бормоқда.

Биринчи босқичда 6 минг гектар ҳудудда қурилиш ишлари бажарилади. Натижада 600 минг аҳоли учун замона-вий инфратузилма барпо этилиши бел-гиланган. Лойиҳа тўлиқ ажунланганда эса Янги Тошкент 2 миллион нафар одам яшайдиган улкан мегаполисга ай-ланади.

Бундай қўламдаги қурилиш узок муддатли ва барқарор инфратузилма-ни талаб қилади. Хозирги пайтда ҳудуд-да йирик ер ости муҳандислик тармоқ-лари қурилмоқда. Бир ва икки секция-ли коллекторлар ётқизилиб, иссиқлик, сув, электр энергияси ва телекомму-никация каби барча тармоқларнинг ер остидан ўтказилиши таъминланмоқда.

Транспорт қатновини енгиллаштириш мақсадида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Туннель ва ер ости автотураргоҳларининг барпо қилиниши шаҳарнинг келажадаги ҳара-катланиш тизими учун муҳим экани қайд этилди.

Ҳудудда ўн километрлик соҳил боғи ташкил этилди. Бир миллион туп бута ва кўчатлар екилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ша-ҳарсозликда “яшил” тамойиллар муҳим ўрин тутиши лозимлиги айтилди. Бун-да метро ва электробуслар ҳаракатини мувофиқлаштириш, пидеда ва велоси-педчилар учун хавфсиз, тўқсиз йўлак-лар барпо этилиши бўйича масъуллар-га қўшимча топшириқлар берилди.

Ҳудудда 60 дан ортиқ давлат идора-лари учун замонавий маъмурий бино-лар қурилади. Айни вақтда қатор ва-зирлик ва идоралар вақтинча мажмуа-ларда фаолият бошлаган.

Инвесторларнинг фаоллиги ҳам юқори. Ақцуцион орқали сотилган 24 та тижорий лот бўйича 2 миллиард дол-ларлик инвестиция шартномалари им-золанган. Бу маблағлар ҳисобидан меҳ-монхоналар, ресторанлар, сервис мар-казлари ва ўзига хос архитектурага эга замонавий бинолар барпо этилади.

Айни пайтдаги қурилиш жараёни-нинг ўзида 10 минг нафар инсоннинг бандлиги таъминланган. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгандан кейин эса ин-новацион технологияларга асослан-ган, юқори дарамадли юз минглаб доимий иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Президентимизга Янги Тошкентда барпо этилаётган туризм объектлари, хизмат кўрсатиш ва дам олиш мажмуа-лари, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида амалга оширили-ши режалаштирилаётган йирик инвес-тиция ва инфратузилма лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ташаб-бусда илм-фан утуқларига таяниш, лойиҳаларда маҳаллий руҳни акс этти-риш, энг асосийси, улар халқ манфаа-тига хизмат қилиши лозимлигини таъ-кидлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Марҳабо ҲОЖИАКБАРОВА,
Ўза махсус мухбирлари.

Бир йиллик фаолият кўздан кечирилиб, келгуси режалар белгилаб олинди



Унда парламент дипломатияси кон-цепцияси асосида халқаро ва минтақа-вий ҳамкорлиқни ривожлантириш, мамлакатимиз-нинг халқаро нуфузини янада юксалтириш ва та-шаббўсларини фаол илгари суриш, ташқи иқти-содий алоқаларни кенгайтириш, хорижий инвес-тицияларни жалб этиш, туризмни ривожлантириш, тегишли соҳалардаги қонунчиликни такомил-лаштириш, парламент назоратини кучайтириш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Мажлисда халқаро ҳамкорлик доирасида хо-рижий парламентлар, парламентлараро тузилма-лар ҳамда халқаро ташкилотлар билан 200 дан зиёд учрашув, қўшма тadbир ва форумлар му-ваффақиятли ўтказилганлиги алоҳида таъкидлан-ди. Жумладан, жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юби-лей асосмелени юқори даражада ўтказилди.

Хисобот даврида қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти доирасида қатор тadbирлар ўтказилиб, халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий фаоли-ят, инвестиция муҳити ва туризм соҳасидаги дол-зарб масалалар юзасидан масъул вазирилик ва идоралар билан манзилли ишлар олиб борилди.

Хусусан, экспорт салоҳиятини кўтариш, хори-жий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг инвестициявий, экспорт ва сайёҳлик учун жозибадорлигини ошириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш масалалари-га эътибор қаратилди.

Қўмита томонидан халқ билан мулоқот ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга устувор аҳмият берилиб, келиб тушган мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Сенаторларнинг жойларда ўтказган сайёр қабуллари орқали аҳоли ва тadbиркорлик субъектларини ташвишга солган масалалар ечимига кўмаклашилди.

Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳам йил якунига бағишланган ййғилиш ўтказди.

Унда қишлоқ ва сув ҳўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонунчиликни та-комиллаштириш, парламент назоратини кучайти-

риш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, на-зорат-таҳлил тadbирларини ташкил этиш, соҳада халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, қўмита томонидан Сенат ялпи мажлислари кўн тартибига киритилган 19 та қонун маъқулланиб, 1 та қонун рад этилган.

Қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида 30 та тadbир ўтказилган, қишлоқ ҳўжа-лиги илмий-тадқиқот институтларининг фаолияти ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш ва улар-ни қайта ишлаш масалалари юзасидан масъул-ларга парламент сўрови юборилган.

Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг бандли-гини таъминлаш, ҳудудларда “Яшил макон” умум-миллий лойиҳасининг амалга оширилиши, қорва-чилик тармоқларини ривожлантириш, ер майдон-ларини фойдаланишга киритиш, яйлов ва ўрмон фонди ерларида озсўбаб эканлар етиштиришни ташкил этиш бўйича вазирилик ва идоралар раҳ-барларининг ахборотлари етиштилган.

Қишлоқ ҳўжаликда экспорт ҳажмини ошириш, иссиқхона ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш, аҳолини узуксиз электр энергияси билан таъмин-лаш каби масалалар юзасидан сенатор сўровла-ри юборилган.

Қўмита томонидан халқ билан мулоқот ва муро-жаатлар билан ишлашга алоҳида эътибор қарати-либ, 700 га яқин мурожаатлар қўриб чиқилган ҳамда уларнинг салмоқли қисми ижобий ҳал этилган.

Жойларда ўтказилган сайёр ва Сенат биноси-даги қабулларда фуқароларнинг қатор ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларига ечим топилган.

Мажлисда маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкор-ликда доимий комиссиялар аъзолари учун семина-р ва ўқув-семинарлар ташкил этилган, халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий парламентлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан учрашувлар ўтказилгани айтилди.

Шунингдек, “Экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиши муносабати билан “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғриси-да”ги Ўзбекистон Республикаси Қўнига қўшим-ча қиритиш ҳақида”ги қонун ишчи гуруҳ ва экс-пертлар кенгаши аъзолари томонидан дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Қўмиталар ййғилишларида Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ҳамда Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифа-ларга эътибор қаратилиб ва ушбу давстурий ҳужжатдан келиб чиқиб 2026 йилда амалга оши-рилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси олдида турган устувор вазифалар



Кенгаш ййғилиши-да фракциялар так-лифига кўра, Президент Му-рожаатномасидан келиб чи-қиб, Қонунчилик палатасини 2026 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўна-лишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ ту-зилди.

Ишчи гуруҳ палатанинг 2026 йилга мўлжалланган фа-лиятининг асосий йўналишла-ри лойиҳасини сифатли ишлаб чиқади. Бунда Мурожаатно-мадаги устувор вазифалар, илгари сурилган тақлиф ва та-шаббўсларни изчил амалга оширишга қаратилган чора-тadbирларни белгилашга ало-ҳида эътибор қаратади.

Ййғилишда, шунингдек, Му-рожаатноманинг моҳияти ва аҳамиятини, унда белгиланган 6 та устувор йўналишни бажаришда Қонунчилик палат-аси ҳамда депутатларнинг маъзун-моҳияти ва аҳамияти-ни сайловчиларга етказишди. Ҳудудларда амалга оширила-диган ишларда депутатлар-нинг иштироки янада ортади.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари янгиланаётган “Ўзбекистон — 2030” страте-гияси лойиҳасига ўз фаоли-ятдан келиб чиқиб, тақлифлар беради.

Кенгаш ййғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-нинг 2025 йилдаги фаолияти ажунлари муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Мамлакатимиз истиқболига дахлдор ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида-ги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбе-кистон халқига Мурожаатномасида таъкидланган вазифага мувофиқ “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қайта қўриб чиқилган лойиҳаси юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Тadbир

Таъкидландики, Ўзбекистон Республи-каси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига бу галги Мурожаатномасида аввалги ййиллар-даги ислохотлардан фарқи ўларок, “ис-лохотларни чуқурлаштириш ва натижа-сини мустаҳкамлаш” босқичига ўтишни аналгатади. Шу нуқтаи назардан, унда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта қўриб чиқиш ҳамда келгуси 5 йил учун мақсад ва вазифаларга аниқлик ки-ритиш ҳам тақлиф этилди.

2023 йилда қабул қилинган мазкур давстурий ҳўжжат қисқа даврда мамла-кат тараққиётининг барча йўналишида сезиларли натижаларни таъминлади. Ху-сусан, камбағаллик даражаси 11 фоиз-дан 6,8 фоизга, ишсизлик 6,8 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 103 млрд. доллардан 145 млрд. долларга, экспорт 25 млрд. доллардан 33,4 млрд. долларга, хорижий инвести-циялар эса 17 млрд. доллардан 43 млрд. долларга етди. Шунингдек, хорижий туристлар сони 6,6 млн.дан 8,6 млн. нафарга ошди, мактабгача таълим қа-рови 72 фоиздан 78 фоизга, олий таъ-лимда эса 42 фоизга етди. Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнат-ган давлатлар сони 144 дан 164 тага кўпайди.

Шу билан бирга, сўнгги икки йилда Президентимиз томонидан 650 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилиниб, 500 дан зиёд турли даражадаги ййги-лиш, учрашув ва тақдимотларда барча соҳалар бўйича янги вазифалар бел-гилаб берилди.

Дастлаб 2030 йилгача ялпи ички маҳ-сулот ҳажмини 160 млрд. долларга ет-казиш мақсади қўйилган бўлса, эндилик-да мазкур маррага 2026 ййилнинг ўзида эришиш кутилмоқда. Шу билан бирга, келгуси беш йилда иқтисодиёт ҳажмини 240 млрд. доллардан ошириш имкония-ти мавжудлиги таъкидланди. Яъни юр-тимизда турли соҳаларда юқори марра-лар олинапти.

Аҳоли сонининг ўсиши ҳам янги мақ-садларни белгилашда муҳим омил сифатида қайд этилди. Жумладан, 2023 йилда 36,7 млн.лик нуфус 2030 йл-га бориб 41 млн. нафаргача етиши прогнз қилинмоқда.

Бундан ташқари, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатларда тенденция-лар ҳамда динамика ўзгарапти. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект, аҳоли эҳтиёжлари ҳам янги қадамлар, аниқ режаларни кун тартибига қўймоқда.

Мазкур ўзгариш ва натижаларни ҳисобга олиб, “Ўзбекистон — 2030” стра-тегиясининг такомиллаштирилган лойи-ҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу жараёнда ва-зирлик ва идоралар, илмий муассаса-ларнинг 350 нафардан ортиқ вакиллари иштирок этиб, Стратегияда белгиланган барча 444 та самарадорлик кўрсаткичи

бугунги кун талаблари асосида қайта қўриб чиқилди.

Янгиланган Стратегия лойиҳасининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, барча мақсадлар давлати-миз раҳбари томонидан белгилаб берил-ган янги марраларга мослаштирилди ва тўлдирилди. Бунда юртдошларимизга муносиб шароит яратадиган, ҳар бир инсон ва оила ҳаётида сезиладиган мақ-садларга алоҳида эътибор қаратилди;

Иккинчидан, ҳамма кўрсаткичлар ўлча-надиган, яъни сон шаклида (фоиз, улуш, даража, ҳажм, нисбат, балл, индекс) бўлиши қатъий белгиланди. Ҳисоблаб ёки баҳорлаб бўлмайдиган, умумий вази-фа, топшириқ ва “шиор” қўринишидаги кўрсаткичлар қиқариб ташланган (бундай бандлар 130 та);

Учинчидан, барча самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши 2030 йл-гача йилма-йил белгиланди. Яъни ҳар бир ижобий ўзгаришни ййлар кесими-да қўриш имконияти яратилди;

Тўртинчидан, Стратегияда ҳар бир ва-зирлик ва идора ўз ўрнини топди. Хусу-сан, лойиҳага кўра 60 тага яқин давлат органларига тегишли самарадорлик кўрсаткичи белгиланди;

Бешинчидан, ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига эришилишини таъмин-лайдиган молиявий манбалар аниқ кўрсатилди;

Олтинчидан, энди соҳа, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепция-ва стратегиялари “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ ҳолда ишлаб чи-қилиши қатъий белгиланди. Жумладан, кейинги йил 50 тadan зиёд шундай кон-цепция (4 та), соҳа ва тармоқларни ри-вожлантириш стратегиялари (38 та) ҳамда ҳар бир ҳудудни ривожлантириш стратегияларини (14 та) қабул қилиш ре-жалаштирилган.

Қайд этилганидек, Стратегияда бел-гиланган самарадорлик кўрсаткичлари-га эришиш барча даражадаги ташкилот-лар учун устувор вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига мувофиқ, юртимизнинг кел-гуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳўжжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолиимизнинг фикр-мулоҳазалари асосида такомил-лаштирилди.

Шунга кўра, Стратегия лойиҳаси бугун “uzbekistan2030.uz” ва “regulation.gov.uz” платформаларида жа-моатчилик муҳокамасига қўйилади. Маз-кур жараёнда оммавий ахборот восита-ларининг фаол иштироки алоҳида аҳами-ят касб этади.

Шу муносабат билан тadbирда Стра-тегияда белгиланган мақсад ва вазифа-ларнинг чуқур таҳлил қилиш, уларнинг маз-мун-моҳиятини кенг жамоатчиликка хо-лис ҳамда атрофлиа етказишда ОВАНинг масъулияти ва роли эътироф этилди.

Отабек САИДАҲМАДОВ
(«Халқ сўзи»).

2026 йилдан мамлакатимизда маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий этилади.

БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ БОР ЖОЙДА УЛУҒЛИК БЎЛАДИ

Мен, сенатор сифатида, Президентимизнинг парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасини чуқур мамнуният ҳамда катта ўмид билан қабул қилдим. Унда баён этилган ҳар бир фикр, ҳар бир рақам Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлашга қаратилган изчил ислохотларнинг амалий самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Аввало, таълим соҳасида эришилаётган натижалар барчамизни қувонтиради. Қисқа вақт ичида қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 млн. 300 мингга етгани — бу келажагимиз пойдевори мустақамланаятганидан далолат. Ҳозирда яна 1 млн. 200 минг ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттириляётган эса таълим сифатини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканини тасдиқлайди.

Ёшларни касб-хунарга ўқитиш, уларни келажақда Ўз соҳасининг етук мутахассиси қилиб вояга етказиш ҳам бугуннинг устувор вазифаларидан биридир. Бу борада Мурожаатномада муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, касбий таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган техникумлар янги сифат босқичига олиб чиқилди. Бунинг учун 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили камидда 100 тадан техникум тўлиқ таъмирланиб, технологик ва талаб юқори касбларга мос ҳолда жиҳозланади. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг илгор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сони 100 тага етказилди.

Бундан ташқари, 2026 йилда 7 та вилоятда, 2027 йилда эса



қолган ҳудудларда Илгор касбий маҳорат техникуми ва “Касблар шаҳарчаси” фаолияти йўлга қўйилади. Бунда Илгор касбий маҳорат техникумлари ҳудуддаги бошқа техникумлар учун методик ва амалиёт базаси сифатида фаолият юритса, “Касблар шаҳарчаси” мактаб ўқувчиларини қурилиш, сервис, кишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, “яшил” энергетика каби соҳалардаги замонавий касбларга йўналтиришга ҳизмат қилади.

Эндиликда дунё таърибасида кенг қўлланилаётган дуал таълим асосида ўқитишни самарали ташкил қилган корхоналарга 7 йил муддатга 5 млрд. сўмгача имтиёзли кредит ажратилади ва корхоналар ишга олган техник умумий учун 1 фоизли ижтимоий солиқ имтиёзи яна уч йилга узайтирилади.

Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб техникумларда таълим

олаётган 100 минг ўқувчига илк бор стипендия тўланади; аёло бахорларга ўқийтган, танлаган касбини пухта эгаллаётган фарзандларимизга эса оширилган миқдордаги стипендиялар берилади. Бу каби улкан режаларнинг бажарилиши ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муҳим восита бўлиши, шубҳасиз.

Ёшларимиз ютуқлари эса алоҳида фохр манбаи. Бу йил 381 нафар спортчи халқаро мусобақаларда, 43 нафар иқтидорли ёш эса нуфузли фан олимпиадаларида галаба қозонгани ёш авлодга қўйилаётган имкониятларнинг ёрқин самарасидир.

Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг ягона тўғри йўли. Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганича, саноатда рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда халқаро ҳамкорларимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш аини муддаодир. Шу маънода, янги технологик босқичга ўтиш ва қўйилган қиймат занжирини кенгайтириш бўйича саноатни ривожлантиришнинг янги даври бошланади, десак, муболага бўлмайди. 2026 йилда 52 млрд. долларлик 782 та янги саноат ва инфратузилма лойиҳасига старт берилади, 14 млрд. долларлик 228 та янги йирик қувват ишга туширилади.

Ишончимиз комилки, фидокор халқимиз билан бирга биз олдимизга қўйган барча улуг мақсадларга, албатта, етамиз. Янги Ўзбекистон — бу бизнинг умумий келажагимиз, умумий масъулиятимиз ва умумий ифтихоримиздир.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни
саклаш масалалари
қўмитаси раиси.

ИСЛОҲОТЛАР ҚАТЪИЙ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ, НАТИЖАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига тақдим этган Мурожаатномасида барча соҳаларда рўйбга чиқарилган ислохотлар чуқур таҳлил қилиниб, истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Олтига устувор йўналиш бўйича назарда тутилган чоратadbирлар мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мурожаатномада 2026 йил учун энг муҳим ва устувор жиҳатлар изчил акс этди. Унда, энг аввало, иқтисодий юксалишнинг янги модели, яъни иқтисодийтеги технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш таъкид қилинди. Шунингдек, барқарор ва сифатли ривожланишни таъминлаш, ЯИМ ўсишини сақлаб қолиш билан бирга, унинг таркибини юқори қўйилган қийматли маҳсулотлар ҳисобига яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада инновация ва технологияга таяниш, саноатда рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда халқаро ҳамкорларимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш аини муддаодир. Шу маънода, янги технологик босқичга ўтиш ва қўйилган қиймат занжирини кенгайтириш бўйича саноатни ривожлантиришнинг янги даври бошланади, десак, муболага бўлмайди. 2026 йилда 52 млрд. долларлик 782 та янги саноат ва инфратузилма лойиҳасига старт берилади, 14 млрд. долларлик 228 та янги йирик қувват ишга туширилади.

Мурожаатномада давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари ортиб бораётганига алоҳида урғу берилди. Яъни давлат ижтимоий соҳаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Таълим,

соғлиқни сақлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига бюджет харажатларининг янада оширилиши аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Бунда, маҳалла инфратузилмасини тудан яхшилаш орқали мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш ишлари давом эттирилиши кўзда тутиляётгани эътиборга молик. Жумладан, келгуси йилдан маҳаллани ривожлантириш юзасидан комплекс ёндашувга ўтилади, урбанизация ва шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича янги ислохотлар бошланади. Йўллар, коммунал хизматлар, уй-жой ва шаҳарсозлик лойиҳалари орқали ички талаб қўллаб-қувватланади. Энг муҳими, харажатлар мақсадли йўналтирилади. Бюджет маблағлари “натيجا учун” тамойили асосида тақсимланади, бу эса самарадорлиқни таъминлайди.

Мурожаатномада солиқ сиёсатида оид масалалар ҳам назарда тутилган бўлиб, тадбиркорлар учун тақдим этиляётган энгилликлар уларнинг бизнесгаги имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши баробарида, муҳим йирик лойиҳаларни рўйбга чиқаришга ишончини оширади. Жумладан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсат давом эттирилиб, 2026 йилда асосий солиқ ставкала-



ри ўзгаришсиз қолдирилади. Тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларига 10 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратилади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 трлн. сўм ресурс берилади. Шундан 43 трлн. сўми хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Асосий солиқ ставкаларининг барқарор сақланиши қулай бизнес муҳитини яратди. Маъмурий энгилликлар, яъни солиқ маъмуричилиги соддалаштирилади, текширувлар қисқартирилади. Қулай бизнес муҳити, демографик ўсиш, инсон капиталига бериляётган эътибор Ўзбекистонини инвесторлар учун жозибадор мамлакатга айлантириши, шубҳасиз. Масалан, жорий йилда чет эллик ҳамкорларимиз билан 140 млрд. долларлик янги инвестициявий қилишувларга эришган бўлсак, келгуси йилда 50 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилиниши кутилмоқда.

Бу рақамлар шунчаки кўрсаткичлар эмас, Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий барқарорлигини қафолатлаш борасидаги ислохотларимизнинг қатъий давом эттирилишидан далолат беради.

Тўғридан-тўғри давлат харидлари эндиликда қонунларда назарда тутилиши белгиланмоқда. Шунингдек,


ташқи қарзни жалб этиш борасида парламент назорати кучайтирилади. Капитал бозорини, замонавий банк хизматларини янада ривожлантириш, бюджет устидан парламент назоратини кучайтириш, қонунларни амалдаги ижро натижаси билан баҳолаш, иқтисодий ислохотларнинг жойларда бажарилиши учун депутатлик масъулиятини оширишга алоҳида аҳамият қаратилади.

Умуман олганда, Мурожаатноманинг асосий моҳияти — иқтисодий барқарорлиқни таъминлаган ҳолда кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсатни олиб боришдир.

Авалги йиллардаги ислохотлардан фарқли ўларок, бу Мурожаатнома “ислохотларни чуқурлаштириш ва натижасини мустаҳкамлаш” босқичига ўтишни аңглатади. Шу нуктаи назардан, унда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқиш ҳамда келгуси 5 йил учун мақсад ва вазифаларга аниқлик киритиш ҳам таъкид қилинди. Бу табиий. Чунки келгуси 5 йилда ЯИМни 240 млрд. доллarga етказиш — бу жуда катта мақсад. Бунга эришиш учун инновацияга таянилган иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляция даражасини янада қамийтириб бориш, солиқ-бюджет барқарорлигини сақлаш каби муҳим вазифалар Мурожаатномадан келиб чиққан ҳолда қаралади, аниқликлар кирилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон янада қудратли мамлакатга айланишига, халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилади.

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Бюджет ва
иқтисодий масалалар қўмитаси
раиси.

Миллий тараққиёт йўли: ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ МАҚСАДЛАР



Бугунги шиддатли давр барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юкламоқда. Бу — Ватан тақдирига дахлдор эканимизни чуқур аңглаш ва ҳар бир қадамимиз билан унинг равнақига ҳисса қўйишдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳам бизни шунга даъват этади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, сўнгги тўққиз йилда эл-юртимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўли босиб ўтилди. Иқтисодийтеги янгидан шаклланди, ижтимоий ҳимоя кенгайтирилиб, қонун устуворлиги мустаҳкамланди. Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда. Ва қанчалик оғир бўлмаса, бошланган демократик ислохотлар қатъий давом эттирилгани, халқимизнинг қўллаб-қувватлаши, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ошадиганлиги, одамларнинг онги ва дунёқарашини ўзгартиб, эл-юртимиз янада жиҳслагани, тадбиркор, деҳқон ҳамда фермерларнинг ташаббускорлиги ва мардонча меҳнати, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган дўстона ташқи сиёсат тўғрйли 2025 йилда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилди.

Мурожаатномада тоғ-кон ва металлургия саноатини ривожлантириш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланди. Чунки Ўзбекистоннинг бой минерал хомашё баъзидан чуқур қайта ишлаш асосида фойдаланиш орқали янги қиймат яратиш режалаштирилган. Хусусан, Навоий вилоятидаги олтин конларида маъдан қазиб олиш бўйича қиймати 2 млрд. 300 млн. долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилди.

Бу стратегик вазифалар натижасида мамлакатимиз бўйича 2030 йилга бориб олтин ишлаб чиқариш ҳажми 175 тоннага етади. Бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг жаҳон тоғ-кон саноатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, мамлакат иқтисодийтеги барқарор валюта тушумини таъминлайди.

Мурожаатномада иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, саноат салоҳиятини ошириш, экологик муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, малакали кадрларни тайёрлаш каби муҳим йўналишларга алоҳида урғу берилди. Кон-металлургия соҳасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда Навоий кон-металлургия комбинати ҳам улкан масъулиятни зиммасига олиб, муносиб ҳиссаси билан иштирок этади.

Маълумки, комбинатимиз қийматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича етакчи компаниялардан бўлиб, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бунда, энг аввало, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосий вазифалардан биридир. Амалий таъриба ишлаб чиқаришга за-

монавий технологияларни қўллаш, мавжуд кон ва қайта ишлаш тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш орқали меҳнат умумдорлигига эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, инвестиция ва инновацияларни жалб қилиш янги йилда ҳам изчил давом эттирилади. Янги конларни ўзлаштириш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш НКМКнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларидан бири.

Шунингдек, Мурожаатномада экологик хавфсизлик ва “яшил” технологияларини жорий этиш муҳим устувор вазифа сифатида қайд қилинди. Бундан келиб чиқиб, саноатнинг атроф-муҳитга таъсирига қамайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш биринчи даражали вазифамиз бўлиб қолади.

Президентимизнинг “бир бўлсак, ягона халқ, ягона миллат бўлиб ҳаракат қилсак, қўзғалган улкан мақсадларимизга албатта етамиз, мен бу йўлда мард ва олийжанод халқимизга ишонман” деган сўзларида чуқур маъно ва катта ишонч мўжасам. Бу даъват ҳар бир фуқаро-нинг юрт тақдирига бефарқ бўлмасликка, Ватан равнақи йўлида елкадош бўлиб ҳаракат қилишга қорайди. Чунки тараққиётга эришиш, ислохотларни ҳаётга таътиб этиш, аввало, жамиятдаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончга боғлиқ.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ва стратегик мақсадлар барчамиздан тарих олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилишни, Ватан тараққиёти йўлида фидойилик ва ташаббускорлик билан иш олиб боришни талаб этади. Янги Ўзбекистонни барпо қилиш, бу фақат давлат сиёсатининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг онгли танлови ва амалий ҳаракатларига боғлиқ. Шу маънода, Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ҳам мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, саноатни янги босқичга олиб чиқиш, экологик барқарорлик ва инсон капиталини ривожлантириш йўлида ўз олдида қўйган вазифаларини сидқидилдан бажаришга қатъий бел боғлаган. Бирлик, ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳи билан ҳаракат қилар эканмиз, албатта, улкан марраларни забт этамиз.

Қувонғи САНАҚУЛОВ,
«НКМ» АЖ бош директори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ



Мамлакат сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини тинглар эканман, кўнглимдан шу юрт фарзанди сифатида фохр-ифтихор туйғулари кеъди. Чунки бир инсоннинг кўнглини олиш қанчалик қийин, бугун халқни рози қилиш эса чинакам машаққат. Дунё билан тил топилиш эса, аинқиса, бугунги алғов-далғов замонда ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўзбекистон халқи миллатларар етакчиси раҳбарлигида янги орулар эшигини очди. Бир пайтлар, ҳатто хаёлга ҳам келмаган ўзгаришлар, ниятлар рўйбичи бўлган ҳар бир оила, ҳар бир инсон ўз ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Кичик ҳовлида 4-5 оила яшагани Кўптарнинг ёдидир. Бугун ҳар бир оила Ватан ичра ватан қуриш, бошланали бўлиш имконига эга. 2025 йилда 8,1 млн. квадрат метр майдонда уй-жой қурилибди, аҳолининг ўзи ҳам 19 млн. квадрат метр ерда уй-жой қургани яратилган имконият ва имтиёзлар эшигининг кенг очилгани эмасми?

Беш йил олдин аҳолиимиз йилгига 210 минг квартира, 600 минг автомобиль харид қилган бўлса, бу йил 270 мингта уй, 1 миллион машина сотиб олган. Бу ҳам аҳоли даромади ва харид қўбилмاتي ошадигани, фаровонлик кундан-кун яхшиланаятганидан далолат.

Президентимиз Мурожаатномада мамлакат ҳаётининг ҳар бир баҳасини янада ривожлантиришга оид йирик ташаббусларнинг ижроси билан бирга келгуси йиллардаги энг муҳим вазифаларга ҳам тўхталиб, 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилди.

Дарҳақиқат, мамлакат тинчлиги аввало, маҳалла оқойишталлигига боғлиқ. Маҳалла ривожланса, мамлакат юксалади. Бу эса ўзидан бўлмайди. Уни маънавияти уйғоқ, билимли, юрти учун борини фидо этадиган фарзандлар юксалтиради.

Айтиш жоизки, ғиёҳвандлик, ичкикилбозлик, поракўрлик, зуравонлик каби бугунги куннинг энг йирик хавфларига қарши турунадиган куч маънавий баркамоллик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фарзандларимиз тарбиясига доим катта эътибор қаратиш даркор. Бинобарин, аҳолини маърифатли, билимли, китобхон қилиш учун Президентимизнинг ўзи уларни рағбатлантириб турибди. Ваҳоланки, кўп китоб ўқиган инсонга манаман деган давлатларда ҳам автомобиль совға қилинмайди. “Еш китобхон”, “Еш китобхон оила”, “Китобхон уй бекаси”, “Китобхон давлат хизматчиси” номли нуфузи

Давлатимиз раҳбарининг “биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик”, деган фикрларига уйғун ҳолда, бу йўлда бизга ҳар йили парламент ва халқимизга йўлланадиган Мурожаатнома муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини ва ў ўзига хос ривожланиш нуқтасига айланиб улғурганини айтиш жоиз.

Мурожаатномада жорий йилда 5 млн. аҳоли даромади бўлиб, ишисизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушгани маълум қилинди. Натижада қарийб 1,5 млн. эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, илк бор 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлангани эътиборга молик.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ислохотлар натижасида камбағал оилаларга мансуб 168 минг нафар бола давлат боғчаларига имтиёзли асосда қабул қилинди.

Яна бир қувонарли ҳолат — 8,5 миллиондан зиёд одамлар камбағалликдан чиқиб, ишисизлик 2 қарра қисқаргандир.

Дарҳақиқат, 2025 йилда айнан ижтимоий соҳада қўлга киритган ютуқларимиз қўламини кенг. Хусусан, 2025 йилнинг биринчи ярмидаёқ 68 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўз навбатида, мактабларнинг фақатгина

балад ва қамрови кенг танловлар фақат бизда бор. Бу аъёна янада давомли бўлиши Президентимиз Мурожаатномасида алоҳида таъкидланди: “Маҳалла ёшларини китобхонликка бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион дона бадиий адабиётлар билан таъминлаб беришимиз”.

Бу сўзлар замирида катта маъно бор. Бу фикрда ислохотларнинг тақдирини зиёли, билимли, маърифатпарварларга боғлиқ деган ҳақиқат бор. Чиндан ҳам китоб ўқиган инсон ислохотларимизга камарбаста бўлади, дорилмон қўнларинг қадрига етиб, уни янада мустаҳкамлайди.

Қолаверса, Президентимизнинг қўйидаги фикрлари катта-кичик, ҳаммани оёққа турғизки керак: “Донишманд боболаримизнинг “Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар” деган ҳикмати мақоли бор. Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила-оилага, қўшни-қўшнига кўмак бериб яшган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни аини шу руҳда тарбиялашимиз керак”.

Бугун Янги Ўзбекистоннинг мақсади аниқ — ақин йилларда даромади жон бошига ўртадан юқори бўлган мамлакатларга қаторига кириш! Қаранг, марра қанча балад олинди, ният қанчалар яхши, эзгу! Қўлтуғ ниятларга ишонч рўйбича эса янги умид-орзуларга қорайди. Бу барчамизни ҳаракатга, тиним билмай бедор, уйғоқ бўлиб яшашга ундайди.

Қомила ҚАРОМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази Қашқадор вилояти бўлими
раҳбари, сенатор.


ИЗЧИЛ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ УЙҒУНЛИГИ КАФОЛАТИ

муассасалари қурилди ёки тўлиқ реконструкция қилинди.

Албатта, инсонларни рози қилиш кенг қўламли ислохотларни талаб этади ва Янги Ўзбекистон ҳам жуда катта миқёсдаги ўзгаришлар ва марраларни ўз олдида қўйган. Энг аввало, аҳоли оғирини энгил қилиш мақсадида рақамлаштириш масаласига алоҳида устуворлик қаратилляпти. Натижада айнан рақамлаштириш давлат бошқарувидаги энг сезиларли ўзгаришлар қузатиляётган соҳалардан бирига айланди.

Бу борада қўнлаган қоралар натижасида, бугунги кунга келиб, жами 700 дан ортқ давлат хизматлари “my.gov.uz” портали орқали онлайн тақдим этилмоқда. Порталдан фойдаланувчилар сони эса 11 миллиондан ошган.

Сўнгги йилларда ўн минглаб эҳтиёжманд оилалар ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими билан қамраб олингани ва маҳаллабай ишлаш, “ижтимоий реестр” ва ман-



зилли ёрдам механизмлари жорий этилиши орқали давлат қўмағи ҳақиқатдан эҳтиёжманд қатламга манзилли йўналтириляётганини ҳам алоҳида урғулаш адолатдан бўлади. Яъни “инсон қадри” тамойили асосида амалга ошириляётган ислохотлар ўзаро узвийликда, комплекс ёндашув орқали олиб бориляётгани уларнинг самарадорлигини қатъий таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Мурожаатномаси қисқа ва узоқ истиқболдаги ислохотлар чизгиси сифатида тарихга муҳрланди ва янги марраларни белгилаб берди. Бинобарин, келгуси йилда иқтисодийтеда 6,6 фоиз ўсишни таъминлаб, ялпи ички маҳсулотини 167 млрд. долларга етказиш прогноз қилинаётгани, бу шунчаки рақамлар эмас. Бу аввало, қисқа вақтда тўпланган катта таъриба, ўзига ишонч ва танланган йўлда собитлик меъасидир. Унга эришиш эса халқ фаровонлигини ошиши демакдир. Шу аҳд, шу марра сизу бизни биришлатирувчи нуқта, муштарак мақсад ҳамда ҳаракатларимиз уйғунлиги қафолатидир.

Зулайҳо АҚРАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати.

ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

ёхуд давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан кейинги ўйлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси — бу йилнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири бўлиб, мамлакатнинг ўтаётган йилдаги тараққиёт натижалари сарҳисоб қилинади ва келаси йил учун асосий устувор йўналишлар, вазифалар ҳамда стратегик режалар белгилаб берилади. Таъбир жоиз бўлса, у давлат раҳбарининг мамлакат парламенти, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик олдида қилган йиллик ҳисоботи ва келажакка йўналтирилган дастурий нутқидир.

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг бу сарфарги Мурожаатномасида ҳам мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида оид кенг қўламли масалалар қамраб олинди. Хусусан, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ҳаракатини рағбатлантириш, суд-ҳукм тизимини ислох қилиш, вазмин ва очик ташқи сиёсатни давом эттириб, барча давлатлар билан конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш шулар жумласидандир.



казий Осиё ҳамжамияти стратегик форматини ташкил этиш гоёси илгари сурилди. Бу эса интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш ва минтақанинг глобал сиёсатдаги ўрнини мустаҳкамлашга йўл очади. Айниқса, Озарбайжонни Марказий Осиё форматага ўтла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш тўғрисидаги қарор тарихий аҳамият касб этди. Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу қадам Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида стратегик боғлиқлиқни кучайтириши ва минтақавий барқарорлиқни мустаҳкамлаши, шубҳасиз. Бу минтақаларнинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва маданий жиҳатдан ҳам яқинлашувиغا, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга замин яратади.

Шу маънода, 2025 йил Ўзбекистон учун халқаро майдондаги макеини мустаҳкамлаш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва глобал хавфсизликка ҳисса қўлиш борасида улкан ютуқлар йўли бўлди, деб бемалол айта оламиз.

Маъмурий тўсиқлар олиб ташланади

Бугунги глобаллашув даврида ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан халқаро ҳамкорлик ҳамда инвестициялар оқимиغا боғлиқ. Ўзбекистон сўнгги йилларда очик ташқи сиёсат, тенг манфаатли ҳамкорлик ва жадал ислохотлар йўлини танлагани тўғрисида белгилаб олинган иқтисодий мақсадларга мўддатидан олдин эришилмоқда. Бундай дейиш учун асослар бор, албатта. Масалан, икки йил олдин қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ЯИМ ҳажмини 160 млрд. долларга етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган эди. Бироқ бугунги ислохотлар суръати, тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги ва хорижий ҳамкорлар билан алоқаларнинг кенгайиши ушбу маррага 2026 йилдаёқ эришиш имконини бермоқда.

Бизнес муҳитини янада яхшилаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, хорижий сармоядорларнинг юртимизга бўлган қизи-

қиши кун сайин ортмоқда. Жорий йилнинг ўзида хорижий шериклар билан 140 млрд. долларлик янги инвестициявий келишувларга эришилгани бунинг яққол исботи. Мамлакат инвестиция сиёсати ҳақида гап кетганда, микдордан сифат босқичига ўтилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан қўзланган мақсад, Президентимиз айтганидек, ҳар бир доллар сармоя, аввало, илғор технологиялар трансферига, маҳаллий ишчиларни янгилаш йўлига ўргатишга ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилишига эришишидир. Шу боис эндиликда юқори технология ва янги компетенциялар олиб келган инвесторларга “энг ишончли ҳамкор” сифатида қаралиб, улар учун маъмурий тўсиқлар кескин қисқартирилади. Натижада инвесторлар идоралараро сарсон бўлиб юрмайди. Барча вазирликларни қамраб олган ягона электрон платформа орқали рухсатномалар ва инфратузилмага уланishi хизматлари кўрсатилади.

лайди. Бундай тизимли ёндашув келгуси беш йилда 180 млрд. доллар микдоридидаги хорижий инвестицияларни жалб этиш ва 1 млн. юқори даромадли иш ўрни очишга замин яратади.

Келгуси йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотини 167 млрд. долларга етказиш ва 6,6 фоизлик ўсишни таъминлаш режалаштирилган. Бу мақсадга эришишнинг асосий йўлларида бири этиб санаётда меҳнат унумдорлиги ва энергия натижадорлигини кўтариш белгиланди. Шу мақсадда “Унумдорлик ва самарадорлик” икки қарра ошириш” дастурига даст берилмоқда.

Маъмур лойиҳа доирасида халқаро молия институтларида 200 млн. доллар маблағ жалб этилади. Хориждан юқори малакали технология ва муҳандислар таклифи қилинади. Бизнес жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилади ва энергия аудити ўтказилади. Энг муҳим янгиликлардан бири — “Тўртинчи саноат ин-

ларга қаратилади. Президентимиз 2026 йилни юртимизда “Маҳалла-ни ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилишни таклиф этди.

“Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу — демократиянинг бирламчи талаби. Аммо миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуг бир гоё бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир.

Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжихат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида миллий бирдамлик масаласига алоҳида ургу бериб, “тарих давомида қандай огир синовларга дуч келмайлик, биз, аввало, бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган” дея қайд этди. Бу тарихий таҳрибанинг бугунги кундаги аҳамияти, айниқса, глобал мураккабликлар шариоитида янада ортади. Маҳалла ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, халқни янада бирлаштиришда беқиёс роль ўйнайди. Бу ерда миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар авлоддан авлодга ўтади, умумий гоё — Ватан ва халқ манфаати йўлида бирлашиш ҳисси шаклланади. Президентнинг ёшларни улкан бунёдкор куч сифатида эътироф этиши ҳам уларнинг маҳалла муҳитида шаклланидиган салоҳиятига бўлган ишончини англатади. Демакки, маҳалла жамиятнинг энг асосий пойдевори. Бу — маҳалла даражасидаги барқарорлик ва ижтимоий аҳиллик, умумий миллий барқарорлиқнинг гарови эканлигини англатади. Маҳалладаги ижобий муҳит фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашга, ижтимоий муаммоларни эрта аниқлаш ва ҳал қилишга ёрдам беради.

Шунинг учун 2026 йилда маҳалла институтига бўлган давлат эътибори кучаяди. Маҳалла тизимини янада мустаҳкамлаш, инфратузилмасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини кучайтириш, маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ролини янада қучайтиришга қаратилган кенг қўламли дастурлар амалга оширилади.

Президентимизнинг парламент ва халқимизга йўллаган бу галги Мурожаатномаси бугунги тараққиёт босқичида мамлакатимиз навбатдаги юқори поғонага кўтарилишда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, адолат ва тарбия маскани бўлган маҳалла институтини ислохотларнинг марказига қилиши, у Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ҳал қилувчи босқичга қадам ташланган ҳозирги пайтда халқни бирлаштирувчи куч сифатида катта сиёсий майдонда туришидек эзгу мақсад-муддоалар қамраб олингани билан алоҳида эътиборга молиқдир. Зотан, Янги йил арафасида белгилаб олинган юксак марраларни забт этишда ўзида 6 та устувор йўналишдан иборат қўллаб-қувватлаш бўйим вазифаларни мужассамлаган маъмур сиёсий ҳужжат дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Тўлқин ТЕШАБОВЕ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ни мамлакатдаги ривожланиш ва ижобий ўзгаришлар билан боғлайди, бу эса ижтимоий аҳамиятга молик умидларнинг мавжудлигини ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бўлган қизиқишни акс эттиради. Умидлар камроқ шахсий ютуқлар ва моддий мақсадлар билан боғлиқ.

Янги йил дам олиш кунлари, одатда, кучларни тиклаш ва ҳиссий хотиржамликка қаратилган. Фуқаролар, энг аввало, оила даврасида бўлиш, кундалик ташвишлардан холи юриб, ички имкониётларини тиклашни мўлжаллашади. Кўпчилик учун хотиржамлик ва уйда, одатий муҳитда бўлиш имконияти муҳимдир. Дам олишнинг фаол шакллари, саёхатлар ва кўнгилочар тадбирларга камроқ устуворлик берилади, бу эса аҳолининг байрамда дам олишнинг бир маромад кечадиган ва тикловчи шаклига бўлган талабини акс эттиради.

Асосий янги йил тилакларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аҳоли, биринчи навбатда, базавий ҳаётий қадриятларга эътибор қаратган. Кўпгина респондентлар ўзлари ва яқинларининг соғлиғи, тинчлик ва хотиржамлик, шунингдек, молиявий барқарорлик ва оилавий фаровонлиқни асосий тилаклар сифатида кўрсатади. Ушбу устуворликлар жамиятнинг барқарорлик, хавфсизлик ва уйғунликка бўлган интилишини ҳам шахсий, ҳам ижтимоий даражада акс эттиради.

Сўров натижалари Янги йил арафасида аҳолининг ижтимоий кайфияти ижобий эканини кўрсатади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.



Президентимизнинг 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакат тараққиётида янги сифат босқичи бошланаётганини яққол кўрсатди. Унда иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат, таълим ва илм-фан билан бир қаторда, юқори технологиялар, рақамлаштириш ва космик соҳани ривожлантириш ҳам стратегик устувор йўналишлар сифатида алоҳида таъкидланди.

Акс садо

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, космос соҳаси бугун фақат нуфўз масаласи эмас. У мамлакатнинг илмий салоҳияти, технологик мустақиллиги, иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистон учун космик технологияларни ўзлаштириш энди узоқ келажак режаси эмас, балки бугунги куннинг долзарб вазифасига айлانмоқда.

Маълумки, Янги Ўзбекистон тараққиёти илм-фан ва инновацияларга таянади. Космик технологиялар эса ер ресурсларини аниқ мониторинг қилиш, қишлоқ ҳўжалигида самарадорлиқни ошириш, сув ва экологик хавфсизлиқни таъминлаш, табиий офатларни барвақт аниқлаш ҳамда рақамли иқтисодиёт учун ишончли маълумотлар базасини шакллантиришга хизмат қилади. Бугунги шариоитда сунъий йўлдошлар орқали олинаётган маълумотлар иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверига айланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг илк миллий сунъий йўлдошини ишлаб чиқиш ва орбитага чиқариш ташаббуси мамлакат илм-фани учун янги саҳифа очмоқда. Бу лойиҳа, бир томондан, Ўзбекистоннинг юқори технологияли давлатлар сафига қўшилишга бўлган қатъий интилишини ифодаласа, иккинчи томондан, амалий жиҳатдан миллий геоахборот тизимларини яратиш, мустақил маълумот манбаларини шакллантириш ва хорижий маълумотларга бўлган қарамлиқни камайитириш имконини беради.

Мурожаатномада илмий-техник лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳаллий мутахассислар салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Чунки космик соҳани ривожлантириш, аввало, инсон капиталига боғлиқ. Айниқса, фазогирлик лойиҳалари ёш авлод учун катта маънавий аҳамият касб этади, уларнинг илм-фанга, муҳандислик ва аниқ фанларга бўлган қизиқишини рағбатлантиради.

Коинот мавзуси ёшларни катта мақсадлар сари ундайдиган, тафаккурни кенгайтирувчи кучли омил ҳисобланади. Фазогир лойиҳалари орқали астрономия, физика, математика ва муҳандислик соҳаларига қизиқиш ортади, миллий илм-фан мактаблари шаклланади. Бу эса узоқ муддатда интеллектуал миграциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Космик соҳани ривожлантириш учун мустаҳкам илмий-техник инфратузилма зарур. Шу боис Президентимиз Мурожаатномасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция масаласи алоҳида қайд этилди. Айни йўналишда Тошкент давлат техника университетида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Хусусан, геология қидирув ва конметаллургия факультетида “Авиация-космик воситалар билан табиий ресурсларни тадқиқ қилиш” магистратура йўналиши орқали космик маълумотлар билан ишлашга ихтисослашган мутахассислар тайёрланмоқда. Сунъий йўлдош маълумотлари асосида конларни башорат қилиш, геотехник холатни баҳолаш ва экологик мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг илк фазогирини коинотта чиқариш режалари ҳам илмий жамоатчилик учун катта аҳамиятга эга. Фазовий муҳитда ўтказиладиган тажрибалар янги материаллар яратиш, юқори ҳарорат ва босимдаги жараёнларни ўрганиш имконини беради. Шу билан бира, бундай лойиҳалар халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш ва технологиялар трансферини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Бугун мамлакатда космик соҳанинг аҳамиятига бўлган муносабат тубдан ўзгармоқда. Энди коинот орзу эмас, балки илмий-технологик тараққиётнинг амалий воситаси сифатида қаралмоқда. Илк сунъий йўлдош ва фазогир лойиҳалари Ўзбекистон учун техник ютуқкина эмас, миллий гурур, илмий салоҳият ва келажакка бўлган ишонч рамзидир.

Янги Ўзбекистоннинг коинот сари қадами бир марतालик ташаббус эмас, балки узоқ муддатли стратегик тараққиёт йўлининг мантиқий давомидир. Бу қадам келажак авлодлар учун мустаҳкам инновацион пойдевор яратишга қаратилган стратегик танловдир.

Суннатилла ҒОИБНАЗАРОВ,
Тошкент давлат техника университети декани,
техника фанлари доктори.

Янги йил: сарҳисоб, янгилашниш ва умид рамзи

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Янги йилни идрок этиш ва уни нишонлаш тўғрисида аҳоли ўртасида сўровнома ўтказилди.

Сўровнома

Ижтимоий сўров натижалари шуни кўрсатдики, Янги йил аҳоли учун ижтимоий ва оилавий ҳаётда муҳим роль ўйнайдиган энг аҳамиятли ва қўтилган байрамлардан бири мақомини сақлаб қолишда давом этмоқда. Аксарият фуқаролар Янги йилни нишонлашни режалаштирмоқда, бу эса байрам анъаналарининг барқарорлиги ва уларнинг жамоатчилик онига сингиб кетганидан далолат беради. Байрам нафақат тақвим санаси, балки сарҳисоб, янгилашниш ва келажакка умид рамзи сифатида ҳам қабул қилинади.

Янги йилни идрок этишнинг ҳиссий фони, умуман олганда, ижобий таъсифланади. Мутлақ кўпчилик респондентлар байрамни кувончли ёки хотиржам кайфият билан кутиб олишади ва байрамона муҳит мавжудлигини айтишган. Бу янги йил арафасида

жамиятда барқарор ижобий кайфият ҳукм суришидан, байрамнинг ижобий ҳис-туйғулар ва умидлар манбаи сифатидаги рамзий аҳамияти сақланиб қолаётганидан далолат беради.

Янги йилни нишонлаш шакллари, асосан, уй ва оилавий характерга эга. Аксарият фуқаролар байрамни ўз уйида ёки ота-онасиникида, яқинлари даврасида кутиб олишни режалаштиришган. Бундай танлов аҳолининг қулайлик, хавфсизлик ва илқ мулоқоти хоҳлашини, шунингдек, байрамни тинч ва одатий муҳитда ўтказишга интилишини акс эттиради. Оммавий ва кўнгилочар байрам шакллари, масалан, рестороанлар, саёхатлар ёки оммавий тадбирларга бўлган қизиқиш анча кам.

Байрамнинг ижтимоий контексти ҳам оилавий ҳамжихатликка йўналтирилганлиги билан таъсифланади. Янги йил, аввало, бир неча авлодни бирлаштирувчи оилавий бай-

рам сифатида қабул қилинади. Янги йил кечасининг оила даврасида ўтказилиши оилавий қадриятлар ва барқарор ижтимоий алоқаларнинг аҳамиятини таъкидлайди. Ушбу натижалар, айниқса, байрам кунлари ва муҳим даврларда оиланинг асосий ижтимоий институт сифатидаги роли юқори эканлигини кўрсатади.

Тасаввурга асосланган таҳлил шуни кўрсатадики, аҳоли онгида Янги йил, биринчи навбатда, номоддий ва ҳиссий қадриятлар билан боғлиқ. Энг кенг тарқалган тасаввурлар оилавий мулоқот ва уйнинг шинамлиги, болалар кувончи, шунингдек, анъанавий байрам дастурхони ва миллий таомларни ўз ичига олади. Ушбу элементлар Янги йилнинг илқ, самимий ва бирлаштирувчи воқеа сифатидаги қўёқсасини шакллантиради.

Янги йил арафасидаги орзу-умидлар манбалари ҳам, асосан, ижтимоий йўналтирилган характерга эга. Аксарият фуқаролар учун оиласи ва яқин инсонлари, шунингдек, қариндошларининг саломатлиги ва фаровонлиги асосий таянч бўлиб қолмоқда. Респондентларнинг катта қисми янги йилдан умидлари-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юқула олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчибаҳт 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлантирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6

Янги йил байрами кечасида фуқароларнинг эркин ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида метро поездлари 2025 йил 31 декабрь соат 05:00 дан 2026 йил 1 январь соат 01:00 га қадар узлуксиз равишда хизмат кўрсатади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши